



ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ ИШ ТИЗИМИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 октябрь куни жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хотин-қизлар ва ёшлар — аҳолининг катта қисми, ижтимоий масалаларнинг аксарияти ҳам улар билан чамбарчас боғлиқ.

Сўнгги йилларда ушбу икки йўналиш бўйлаб Ўзбекистонда давлат сиёсатини маҳалла даражасигача юритадиган вертикал тизим яратилди. Ёшлар масалалари бўйича ҳар бир туманда алоҳида ҳоким ўринбосари, унинг 3 нафаргача мутахассиси, Ёшлар ишлари агентлиги бўлимининг 3 нафар ходими, вилоятда ҳам ҳоким ўринбосари, унинг 4 нафар мутахассиси, Ёшлар ишлари агентлиги бошқармасининг 11 нафар ходими ажратилди.

Хотин-қизлар масалалари бўйича ҳар бир маҳаллада алоҳида раис ўринбосари, туманда — маҳалла ва оила бўлими бошлиғи ўринбосари ва 2 нафар мутахассиси, вилоятда эса 8 нафаргача штат бирлиги берилди.

Бундан ташқари, ёшлар масалаларини ҳал этишга Президентнинг Халқ қабулхоналари, хотин-қизлар масалаларини ҳал этишга эса Касаба уюшмалари бириктирилди.

Лекин жойларда ушбу идоралар, тўртта сектор ишни самарали ташкил эта олмаётгани бор гап.

Шу боис видеоселектор йиғилишида хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича янги иш тизими жорий этилиши таъкидланди.

Маълумки, юртимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати, яъни “темир дафтар” тузилган эди. Энди ҳудди шунингдек, ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” шакллантирилади. Бу рўйхатлар “темир дафтар”дан алоҳида бўлади. Унга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар киритилади. Бунинг натижасида улар билан тизимли, манзилли иш йўлга қўйилади.

Йиғилишда ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш тизими Хатирчи тумани ва Янгиер шаҳри мисолида муҳокама қилинди.

Мутасаддиларга ушбу тизимнинг намунавий шаклини ишлаб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва ҳар бир вилоятнинг биттадан шаҳар ва туманида, яъни 28 та ҳудудда синовдан ўтказиш вазифаси қўйилди.

Сектор раҳбарлари ва мутасадди идоралар вакилларига ҳар бир маҳалладаги ҳолатни ўрганиш, ёшлар ва аёллар билан бирма-бир мулоқот қилиб, эҳтиёжларини, қизиқишларини аниқлаш

ҳамда шу асосда манзилли чоралар қўриш бўйича топшириқлар берилди.

— Бундан кейин одамларнинг уйига бориб, ишга муҳтожларни ишга жойлаштириш тизимини яратишимиз керак. Энди қайси жойда раҳбарлар уйма-уй юриб, масалаларни ҳал қилса, ўша жойда вазият ўзгаради. Энг асосий мақсад — иқтисодий барқарорликдан натижадорликка ўтиш, — деди Президент.

Ишсиз ёшлар ва хотин-қизларда мотивация уйғотиб, касбий кўникмалар шакллантириш, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва молиявий кўмак бериш муҳимлиги таъкидланди.

Масалан, оилавий психолог хизмати ва туман адлия бўлими орқали ҳуқуқий маслаҳатларни бепул ташкил қилиш мумкин. Ёлғиз кекса аёллар билан патронаж ҳамширалар, ёшлар, маҳалла ва оила бўлимлари ишлаши лозимлиги қайд этилди.

Ишсиз ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш ҳокимнинг инвестиция бўйича ўринбосари, туман ва шаҳар бандлик бўлими, Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш маркази, Бош вазир қабулхоналари ва банкларнинг энг муҳим вазифаси бўлиши кераклиги айтилди.

Уз меҳнати, иродаси туфайли катта ютуқларга эришган машҳур шахслар билан учрашувлар ташкил этиб, ёшлар ва хотин-қизларга кучли мотивация бериш, чет тили, касб-ҳунар ва бизнесга ўргатадиган аудио ва видео материаллар тайёрлаб тарқатиш ҳам яхши самара беради. Ийгилишда “ижтимоий шартнома” тажрибасини кенг қўллаш муҳимлиги айтилди. Бунда, аввало, фуқаро касб ўрганиши, ишга жойлашиши, ўзини ўзи банд қилиши учун давлат томонидан моддий ва ижтимоий кўмак кўрсатилади.

“Дафтар”лар билан ишлашда нодавлат нотижорат ташкилотлар имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлиги қайд этилди. Улар билан ҳамкорликни кенгайтириб, жазони ўтаб қайтганларнинг ижтимоий мослашуви, ёшлар ва аёлларни психологик қўллаб-қувватлаш, уларни чет тиллари ва касб-ҳунарга ўқитиш муҳимлиги айтилди.

Бу ишларга “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг салоҳияти сафарбар этилади. Бундан ташқари, аҳолини тадбиркорликка ўқитиш ва микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларга йиллик 4 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилади.

Йиғилишда мўлжалдаги чора-тад-

бирларни амалга ошириш учун уларни барқарор молиявий манбалар билан таъминлаш масаласи ҳам қўриб чиқилди.

Ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўрганишларда маълум бўлишича, эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 55 фоизи ўрта маълумотли. Ишсиз ёшларнинг ҳам кўпчилиги замонавий билим ва хунарларни эгалламаган.

— Ёшлар ва хотин-қизларни меҳнат бозорига талаб юқори касб-хунарларга тайёрлашни тизимли йўлга қўйсақ, уларнинг муносиб иш топишга кўмаклашсак, қўллаб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ҳал бўлади. Бунинг учун нафақат давлат таълим муассасалари, балки мингдан зиёд нодавлат касб-хунар таълими марказларини ҳам жалб қилиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қайд этилганидек, бу борада мутлақо янги тизим жорий қилиниб, нодавлат касб-хунар таълими марказлари орқали ёшлар ва аёлларда касбий кўникмаларни шакллантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар микдоридаги маблағ йўналтирилади. Шунинг 10 миллиони ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунарга ўқитишга, 90 миллиони эса ўқув курсларини тамомлаб, сертификат олганларга имтиёзли кредитлар ажратиш учун сарфланади. “Ижтимоий шартнома” орқали нодавлат касб-хунар ўқув курсларини битирадиган ёшлар ва аёлларга таълим харажатлари учун 1 миллион сўмгача субсидия берилади.

Яна бир масала — Касб ва лавозимлар классификатори бугунги замон ва меҳнат бозори талабларига мос келмайдиган Мисол учун, унда 2 минг 484 та, яъни 70 фоиз хизматчи лавозими бўйича олий маълумот талаб этилади. Хусусан, маълумотлар базаси билан ишлайдиган мутахассис, веб-дизайнер каби ихтисосликларга олий малака талаби қўйилган. Ушбу касбларни ИТ-марказларда ярим йилда яхши ўрганиш мумкин.

Кутубхоначи, таржимон, банк агенти, реклама мутахассиси каби қўллаб-вазифаларга ҳам олий маълумот талаби қўйилган. Меҳнат бозорига бундай касблар бўйича 4 мингга яқин вакансия мавжуд.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Касб ва лавозимлар классификаторида олий маълумот талаб қиладиган мутахассисликлар ва лавозимларни қисқартириш вазифаси қўйилди.

Ҳокимларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари “ёшлар дафтари”, маҳалла ва оила масалалари бўйича ўринбосарлари “аёллар дафтари”га масъуллиги белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимларнинг ахбороти эшитилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 октябрь куни Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар кун тартибидagi долзарб масалаларни батафсил қўриб чиқдилар. Халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва қардошлиқ ришталари, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган фаол мулоқотни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Коронавирусининг глобал миқёсда тарқалиши оқибатларини самарали енгиб ўтиш мақсадида амалий ҳамкорлик бўйича, энг аввало, савдо, sanoat кооперацияси, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа муҳим

тармоқлардаги лойиҳаларни илгари суриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу маънода икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари томонидан ўтган ойда ўтказилган сиёсий маслаҳатлашувларнинг самарали натижалари ижобий баҳоланди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари 2019 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида қабул қилинган қарорлар ва эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама қилдилар.

Тизимли ва барқарор тус олаётган ушбу муҳим формат дорасида сермахсул мулоқот олиб борилаётгани

мамнуният билан таъкидланди.

Минтақадаги кўп томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида хавфсизлик, иқтисодиёт, инновациялар, транспорт, фан, таълим, туризм ва маданият соҳалари кўрсатиб ўтилди.

Давлат раҳбарлари Қирғиз Республикасидаги воқеалар ривожига алоҳида тўхталдилар. Ушбу мамлакатдаги вазият Қирғизистон Конституциясига мувофиқ ҳолда тез фурсатда барқарорлашиши зарурлиги қайд этилди.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси ҳам қўриб чиқилди.

Сўхбат ҳар доимгидек самимий, конструктив ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИНГ МЕРОСИНИ ЯНАДА ЧУҚУР ЎРГАНИШ ВА УЛАР ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажақ авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатагон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ўтган даврда ушбу йўналишда муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Юртимизда **2001 йилдан бўён ҳар йили 31 август — “Қатагон қурбонларини ёд этиш кuni”** сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. **“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси** барпо этилди. **“Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи** ҳамда ҳудудлардаги олий таълим муассасалари қошида унинг бўлимлари ташкил этилди.

Маҳмудхўжа Бехбуди, Абдулла Авлоний, Исоҳқон Ибрat, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий каби улўғ маърифатпарвар аждодларимиз хотирасига бағишланган мухташам ҳайкаллар, музейлар бунёд этилди, ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Сиёсий қатагон йилларида ноҳақ қурбон бўлган юртдошларимизнинг номларини аниқлаш, уларнинг қолдирган меросини ўрганиш ва кенг

жамоатчилиikka етказишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари, бадий ва ҳужжатли асарлар яратилмоқда.

Дунёда глобал хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳамда миллий ўзлигини англаш ва ҳақиқий тарихимизни тиклаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётган бугунги даврда мустабид тузум томонидан шафқатсиз қатагон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндаларининг, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошларимизнинг номлари ва хотираларини абадийлаштириш, уларнинг жасорати ва матонати мисолида ёш авлодимизни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу борадаги тарихий маълумотларни ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш мамлакатимиз мустақиллиги қандай оғир ва машаққатли курашлар билан қўлга киритилганини, бугунги эркин, озод ва обод ҳаётимизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш кераклигини янада чуқур англашга ҳизмат қилади.

Кўп миллатли халқимизнинг фидойи фарзандлари, маърифатпарвар аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳақиқатни тўла юзга чиқариш, уларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш, бу борадаги ишларнинг қўламини ва самарасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи, “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Бадий академия ҳамда кенг жамоатчилигининг **қатагон қурбонлари меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштириш** ҳақидаги тақдирлари қўллаб-қувватлансин.

2. Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, улар хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича **Республика ишчи гуруҳи** (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) ташкил этилсин ва унинг тарихий 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Ишчи гуруҳининг **асосий вазифалари** этиб белгилансин: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда малакали олимлар ва мутахассислардан иборат тегишли гуруҳларни тузиш;

Давоми 2-бетда

Муносабат

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ БУЮК ЖАСОРАТИ — АВЛОДЛАРГА ИБРАТ



Азамат ЗИЁ, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори, тарих фанлари доктори, профессор

Яқинда Ўқитувчи ва мураббийлар кuni умумхалқ байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониға кўра, Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга бекиёс ҳисса қўшган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбуди ва Мунавварқори Абдурашидхонов “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланганини халқимиз катта мамнуният билан, қизгин кутиб олди.

ИНСОН — АЗИЗ, ХОТИРА — МУҚАДДАС



Рустам КАЛОНОВ, Тошкент шаҳар ҳокимининг жамоатчилик, маҳалла ва нуронийлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрганларида бир пайтлар эрк ва озодлик йўлида шаҳид кетган мард ва жасур аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқурроқ ўрганиш ҳамда халқимизга кенгроқ таништириш бўйича амалга оширилаётган ишларга баҳо бериб, бу борада янги вазифаларни белгилаб бердилар.

Интервью

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Й И Ш И

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИНГ МЕРОСИНИ ЯНАДА ЧУҚУР
ЎРГАНИШ ВА УЛАР ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШГА
ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

қатағон қурбонларини вилоят, туман ва шаҳарлар кесимида номма-ном аниқлаш, уларнинг ҳаёти ва фаолияти, тарихий хизматлари ҳақидаги маълумотларни, архив ва музейларда сақланаётган ҳужжатларни тўплаш ва ўрганиш бўйича ушбу гуруҳларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш;

қатағон қурбони бўлган юртдошларимизнинг авлодлари ва яқинлари, ўша давр воқеаларини чуқур биладиган кишиларининг хотираларини ёзиб олиш, оилавий архив ва кутубхоналарда сақланаётган тарихий материалларни, ноёб суратларни тўплаш ишларини мувофиқлаштириш; аниқланган қатағон қурбонларининг номларини Тошкент шаҳридаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасида барпо этиладиган рамзий китоб саҳифаларига киритиш;

шаҳид бўлган юртдошларимиз хотирасини келгуси авлодларга безавол етказиш мақсадида кўп жилдлик “Қатағон қурбонлари” китоби нашрга тайёрланиши ва чоп этилишини таъминлаш;

Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда унинг ҳудудлардаги олий таълим муассасалари қошидаги бўлимларининг фондлари ва экспозицияларини янги топилган маълумотлар, ҳужжатлар ва бошқа экспонатлар билан мунтазам равишда бойитиб борилишини ташкиллаштириш;

хориждаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда, илмий экспедициялар ташкил этиш;

ўрганишлар жараёнида аниқланган, муайян сабабларга кўра, реабилитация қилинмай қолиб кетган қатағон қурбонларини оқлаш юзасидан белгиланган тартибда тақлифлар киритиб бориш;

қатағон қурбонлари ҳаёти ва фаолиятини илмий тадқиқ этиш, улар ҳақида илмий-тарихий китоблар, бадий ва ҳужжатли фильмлар яратиш ишларини мувофиқлаштириш;

қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида улар тугилиб вояга етган ва истикомат қилган маҳаллалар ва умумтаълим мактабларида хотира бурчақларини ташкил этиш;

“Инсон — азиз, хотира — муқаддас” деган ғоя асосида барча туман, шаҳар ва маҳаллаларда аҳоли, айниқса, ёш авлодни мустақиллик ва адолат тантанаси учун курашган фидойи ота-боболаримизнинг хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг кўрсатган жасорати ва ибратли фаолиятларини тарғиб этишга қаратилган маънавий-маърифий тарғибот ишларини ташкил этиш.

4. Қатағон қурбонларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича “Йул харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ишчи гуруҳга қатағон қурбонлари номларини аниқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, илмий-тадқиқот муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини, экспертларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари вакилларини жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Тошкент шаҳридаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасида қатағон қурбонларининг

номлари қайд этиладиган рамзий китобни яратиш, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва унинг ҳудудлардаги олий таълим муассасалари қошидаги бўлимларининг, шунингдек, “Шаҳидлар хотираси” жамоат фондининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фондининг ҳомийлар гуруҳи таркибини янгилаш ва улар томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳамда халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотлар, донор мамлакатлар ва ташкилотларнинг грантларини жалб этиш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Бунда, жумладан, хориждаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш, чет элдаги мавжуд манбаларни излаб топиш ва ўрганиш, шунингдек, қатағон қурбонлари ҳақида янги бадий ва ҳужжатли фильмлар тайёрлаш, хотира китоблари ва фотоальбомларини нашр этиш, ташкилий ишларни молиялаштириш масалалари кўзда тутилсин.

7. Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий аxbорот агентлиги ва бошқа оммавий аxbорот воситаларига ушбу фармойиш ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни кенг ёритиш, мавзуга оид телекўрсатув ва радиокўрсатиришларни эфирга узатиш ҳамда маълумот нашрлари ва Интернет саҳифаларида мақолалар эълон қилиш тавсия этилсин.

8. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслахатчиларини Р.С.Қосимов ва А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2020 йил 8 октябрь	

Муносабат

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ БУЮК
ЖАСОРАТИ — АВЛОДЛАРГА ИБРАТ

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз томонидан “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишнинг имзоланиши эса буюк аждодларимизнинг бой маънавий мероси, уларнинг юртимиз озодлиги йўлида кўрсатган жасорати ҳамда ёрқин хотирасига ҳар қачонгидан кўра бугун жуда катта эътибор қаратилаётганини аңглатади.

Фармойишда белгиланган асосий вазифалардан бири, қатағон қурбони бўлган юртдошларимизнинг авлодлари ва яқинлари, ўша давр воқеаларини чуқур биладиган кишиларнинг хотираларини ёзиб олиш, оилавий архив ва кутубхоналарда сақланаётган тарихий материалларни, ноёб суратларни тўплаш ишларини мувофиқлаштириш эканини таъкидлаш мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам, яқин-яқингача қатағон қурбонлари деганда, ўтган асрнинг 30-йилларида қиргинга учраган машҳур ҳадидчилик ҳаракатининг беш-ўн намоёндаларини тушуниб, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиб, ёшларимизга етказиб келганимиз. Ҳаттоки, уларнинг ҳам айримларининг номлари деярли тилга олинмай қўйилганини кўпчилик билмайди. Шунга яраша,

бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг кўлами ҳам тор доирада чекланиб қолган.

Қолаверса, унганча бўлган даврларда ҳам мустамлакачилар томонидан юртимиз озодлиги учун курашган аждодларимиз шафқатсизларча қириб ташланган, жамиятнинг таянчи бўлган тадбиркорларнинг мулклари тортиб оlinиб, қулоқ қилинган.

Миллий озодлик ҳаракати аъзоларини “босмачи” сифатида онгимизга сингдириш учун ҳар қандай тарғибот усулларидан, айниқса, кино санъатидан унумли фойдаланилгани ҳеч кimgа сир эмас. Ўша пайтларда истиқлол учун жонини фидо қилиб, шаҳид бўлганлар, миллий озодлик ҳаракатларига бош бўлган аждодларимиз ҳақидаги асл ҳақиқатни кенг оmmага етказиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг ушбу фармойишини ўтмишимизга, хусусан, тарих фанига шу чоққача илмий онгимизни эгallaб олган эски қарашлардан халос бўлиб, бутунлай янги-ча ёндашувларга йўл очиб беради. Нега деганда, деярли уч минг йиллик давлатчилик тарихимиз давомида юртимиз не-не босқинчиликларни кўрмади?! Миллатимизнинг не-не асл фарзандлари она еримиз ҳимояси йўлида қурбон бўлмади?! Юртимизга ёпирилиб келган ҳар қандай ёв халқимизнинг озодлиқга ташналиги, ўз Ватанини

муқаддас деб билгани, унинг ҳимояси учун жонини фидо қилишга тайёр мардлари борлиги сабабли даф бўлди.

Демак, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси бутун тарихимиз ичра озодлик ва юрт ҳимояси учун халок бўлганларнинг барчаси хотирланиб, эъзозланадиган муқаддас маконга айланмоғи керак. У ерга қадам қўйган ҳар бир инсон, айниқса ёшлар бир ҳақиқатни — узоқ ўтмиш давомида буюк аждодларимиз бошига қандай офат мусибатлар тушмасин, ҳар сафар қайта оёққа туриб, ўзларининг юксак ватанпарварлиги, интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва инсоний фазилатлари билан нафақат юртимиз, балки дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшганини билиши лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев, аввало, биз — тарихчилар олдига аниқ вазифаларни қўйди. Ватанимизнинг шонли тарихига доир мана шундай бўлиқларни ҳаққоний ўрганиш, тарихий адолатни тиклаш ва келгуси авлодларга безавол етказиш каби бундай муҳим ишларга барчамиз бирдек бел боғлаб киришишимиз зарур. Токи, янги Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари аждодларимизнинг буюк жасоратидан ибрат олиб, ватанпарвар, юксак маънавиятли, чуқур билим ва замонавий тафаккурга эга баркамол авлод бўлиб вояга етсин!

хотираси” ёдгорлик мажмуаси барпо этилиб, ушбу йўналишга ихтисослаштирилган жамоат фонди ва мухташам музей ташкил этилгани ҳам халқимизнинг улуг аждодларимизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромининг рамзидир.

Аслида, шаҳид дегани анча кенг қамровли тушунча. Тарихимизнинг турли даврларида халқимиз озодлиги ва ёруғ келажаги учун борлигини бағишлаб, бундай шарафли йўлда жонини фидо қилган аждодларимиз шаҳид ҳисобланади. Шундай экан, биз бу масалага янада кенгроқ ёндашиб, турли даврларда эзгу мақсад йўлида шаҳид кетган аждодларимизнинг меросини чуқур ўрганишга эътибор қаратишимиз керак.

Президентимиз фармойишида қатағон қурбони бўлган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумот ва ҳужжатларни илмий тадқиқ этиш, улар ҳақида хикоя қилувчи китоблар, кинофильмлар яратиш вазифалари белгилаб берилгани ҳам аynи мудо-дао бўлди, деб ўйлайман. Шу билан бирга, мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейига экскурсияларини уюштириш орқали уларга аждодларимизнинг мустақиллик учун олиб борган курашлари ҳақида кенгроқ билишни бериш ҳам бугуннинг долзарб вазифасидир.

Одамларга тарихий адолатни, асл ҳақиқатни етказиш учун, халқимиз у кунларни билиши ва ҳеч қачон унутмаслиги, бугунги кунларнинг қадрига етиши учун шу ишларни қилишимиз зарур. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар ёшларимизда мустақиллигимизни асраб-авайлаш, жасур боболаримиз ҳаётидан ўрнак олиб яшаш ҳиссини янада мустаҳкамлашга ишонаман.

АКАДЕМИК
ТУРСУНБОЙ РАШИДОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудолikka учради. Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги соҳасидаги атоқли олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Турсунбой Рашидов 2020 йил 7 октябрда 86 ёшида вафот этди.

Т.Рашидов 1934 йил 27 майда Тошкент шаҳрида туғилди. 1956 йили Ўрта Осиё давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тугатиб, ушбу илмий даргоҳ аспирантурасида тахсил олди. 1964 йилда номзодлик, 1972 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1984 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 65 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Фанлар академиясининг М.Урозобоев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти лаборатория мудири, директори, Тошкент тўҳимачилик ва енгил саноат институти ректори, Фанлар академиясининг хайъат аъзоси,

Интервью

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАРНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИ
ТИЗИМИ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда



Гулнора МАЪРУФОВА,
Ўзбекистон
Республикаси маҳалла
ва оилани қўллаб-
қувватлаш вазирининг
биринчи ўринбосари:



Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси Ёшлар
ишлари агентлиги
директори:

— Кеча Президентимиз раислигида хотин-қизлар ва ёшлар масалаларига бағишланган тарихий йиғилиш бўлди, десак ҳеч муболага бўлмайди. Эндиликда ҳар жиҳатдан кўмакка, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи, энг муҳими, иштиёки бор ишисиз ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” ташкил этилади. Шу асосда ҳар бир хотин-қизнинг, ёшларимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга кўмаклашилади. Бу жараёндан ҳеч ким четда қолмайди.

Таъкидлаш жоизки, йиғилишда ҳар бир туман ва шаҳарлар миқёсида хотин-қизларни ва ёшларни қўллаб-қувватлаш учун махсус жамғармалар тўзилиши айтилди. Бу жамғармалар маблагларни махсус дафтарларга кирган хотин-қизлар ва ёшлар ҳаётини яхшилашга йўналтирилади.

— Давлатимиз раҳбари ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ечиш, таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Бу борада энг муҳим масала уларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш, деб топилди.

Эндиликда ҳар бир ёшнинг хоҳиш-истағига қараб ўқув курсларига жалб этиш, бизнесини йўлга қўйиш учун микроқарзлар тақдим этиш, ишга жойлаштиришнинг аниқ механизми жорий этилади. Ишонч билан айтиш мумкинки, ёшларни, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган ҳар қандай

Яна бир муҳим янгилик сифатида нодавлат касб-хўнар таълими марказлари орқали ёшлар ва аёлларда касбий кўникмаларни шакллантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга Тикланган тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар миқдоридagi маблаг йўналтирилишини айтиш жоиз. Бу маблаглар ёшлар ва хотин-қизларни касб-хўнарга ўқитишга, уларга имтиёзли кредитлар ажратишда жуда қўл келади, албатта.

Давлатимиз раҳбари кўтарилган масала юзасидан ҳар биримизга алоҳида вазифаларни ҳам юкляди. Энди биз ҳар бир хонадонга қириб, хотин-қизлар, уларнинг оила аъзолари муаммоларини ўрганамиз. Уларга ечим топишга киришамиз. Мақсадимиз аниқ — ҳар бир оилда соғлом муҳитни шакллантириш, бахтиёрлик олиб кириш.

инвестиция жуда тез натижа беради. Пировардида, улар ўз ҳудуди ихтисодиётини юксалтиришга ҳисса қўшади, энг муҳими, оиласи фаровонлигини таъминлайди.

Бунда Ёшлар ишлари агентлигининг асосий вазифаларидан бири, бу — “ёшлар дафтари”ни шакллантириш. Давлатимиз раҳбари бу дафтарга киритиладиган ёшлар бўйича аниқ меzonларни ҳам белгилаб берди. “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар билан манзилли ишлаш тизимини яратиш, бунда туман ва шаҳарлардаги секторлар масъуллари, агентлигимиз олдига аниқ вазифалар қўйилди.

га қаратилган “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”ни юритиш вазифаси қўйилди. Бу рўйхатлар “темир дафтар”дан мутлақо фарқли бўлади ва ҳар бири алоҳида тизим сифатида юритилади.

Аynи пайтда Қашқадарё вилоятида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар сони 386 минг нафарни ташкил этади. Афсуски, уларнинг 117 мингдан ортиғи қарерда ишлаётганини аниқ билмаймиз. Демак, биз улар билан ишлашимиз керак. Маҳаллаларда юритиладиган дафтарлар рўйхатига киритилган ҳар бир йиғит-қиз билан индивидуал суҳбатлар ўтказиш асосида уларнинг муаммолари, истак ва хоҳишлари ўрганилади. Давлат, ҳокимлик, сектор раҳбарлари томонидан уларга ҳар жабҳада кўмаклашилади.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан ишлашда уларни, аввало, ўқитиш, касбга тайёрлаш бўйича аниқ топшириқлар берди. Шу асосда ўғил-қизларни ўқитиш

марказларида, зарур бўлса қол-леж ва лицейларда кундузги ёки кечки курсларни очиб, касбга тайёрлаймиз.

Бугун вилоятимизда 31 дан 55 ёшгача бўлган аёллар сони 496 минг нафарни ташкил этади. Уларни ўқитиш, касбга тайёрлаш ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда тегишли ёрдамларни кўрсатишимиз зарур.

Эндиликда, ҳокимликларда учта — “Саховат ва кўмак”, ёшлар ва аёллар учун алоҳида жамғармалар бўлади ва бюджетдан тушган қўшимча маблагларнинг 30 фоизи шу жамғармаларга йўналтирилади. Қашқадарё вилоятида бюджет ҳисобига 186 миллиард сўм қўшимча маблаг туширилганини эътиборга олсак, уларнинг 30 фоизи жамғармаларга ўтказилиши қўллаб ёш ниҳолларнинг оёққа туришида катта ёрдам бўлади.

Таҳлил ва таққос



Жамшид РАУПОВ,
Молия вазирлиги ҳузуридаги
Бюджет-солиқ тадқиқотлари
институтини бўлим бошлиғи

Хар бир даврнинг ўз долзарб вазифалари ва муаммолари бўлади. Бугунги кунимизнинг энг муҳим талабларидан бири рақамли иқтисодиётни жорий этишдир. 2020 йил мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиниб, бу борада кўламли ишлар бошланди. Хусусан, 28 апрелда давлатимиз раҳбарининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумати кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Айни кунда кўплаб тараққий этган мамлакатларда рақамли технологиялар иқтисодиёт ривожига ҳамда аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда. Масалан, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш жараёнини давлат томонидан тартибга солиш бўйича АҚШ, Европа Иттифоқи, Хитой, Корея, Япония ва Россия каби мамлакатларнинг тажрибаси бу борада асосан иккита — бозор ва мазмурий-бошқарув ёндашувлари мавжудлигидан далолат бермоқда.

АҚШда рақамли тараққиёт бўйича “Кун тартибда — рақамли иқтисодиёт” деб номланган биринчи ҳукумат дастури 2015 йилда ишлаб чиқилган. У мамлакат учун асосий имкониятларни таъминлайдиган тўртта блокни ўз ичига олади. Булар — эркин ва ошқора интернетни жадаллаштириш, ишонч ва хавфсизлиқни барқарорлаштириш, тармоққа эркин кириш ва барча хоҳловчилар учун профессионал кўникмаларни эгаллаш имконияти, инновациялар ҳамда таъсирчан самаралар берувчи ва ёрқин янги авлод технологияларини жорий қилиш.

Шундай қилиб, АҚШ сиёсати рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга, бу жараёнда иштирок этадиган тармоқлар ва соҳалар улушини кўпайтиришга, IT-саноат билан шуғулланадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

АҚШдан фарқи уларок, Европа Иттифоқида унга аъзо мамлакатлар иқтисодиёти ва саноат тармоқларининг рақамли ўзгаришини жадаллаштиришга қаратилган 30 дан ортиқ давлат миллий ва минтақавий дастурлари ҳамда стратегиялари мавжуд.

Европада рақамлаштиришга йўналтирилган ягона йўналишни шакллантириш хусусий бизнесни мазкур лойиҳаларга жалб қилиш билан техника ва бозор инновацияларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўсинида амалга оширилмоқда. Қўтба давлатларининг рақамлаштириш соҳасидаги сиёсатининг асосий тамойилларини ахборот-коммуникация технологиялари учун ягона Европа қоидалари ва стандартларини ишлаб чиқиш, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тадқиқот ва инновацияларни қўллаб-қувватлашдан иборат жараён ташкил қилмоқда. Шарқий минтақада эса рақамли иқтисодиётнинг учта гиганти — Хитой, Жанубий Корея ва Япония бор. Бугун жанубда электрон транзакцияларнинг 40 фоиздан ортиқ улушига эга Хитой IT-технологиянинг энг йирик бозорини ҳисобланади. Унинг рақамли тараққиёти қудратли ички бозор, рақобатнинг юксак суръати ва тезлик билан ривож топаётган рақамли секторни давлат тарафидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби учта муҳим омил ҳисобига жадаллашмоқда.

Хитой Ахборот ва коммуникация технологиялари академиясининг 2019 йилдаги ҳисоб-китобларига кўра, рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига қўшган ҳиссаси баъзи ривожланган давлатлар даражасидан ҳам ошиб кетиб, 67,7 фоизга етди. 2014 йилдан 2019 йилгача рақамли иқтисодиёт ЯИМнинг йиллик ўсиш суръатларига нисбатан 50 фоиздан юқорироқ бўлди. Бундан ташқари, Хитойнинг ялпи ички маҳсулоти 2019 йилда 99 триллион юанга етган ва бунда рақамли иқтисодиётнинг улуши 35,8 триллион юан атрофида бўлиб, бу ЯИМнинг 36 фоизини ташкил этди. 2019 йилда рақамли иқтисодиётнинг ўсиш суръати 15,6 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, 2005 йилда рақамли иқтисодиёт ҳажми атиги 2,6 триллион юань ёки ЯИМнинг 14 фоизига тенг бўлган. Демак, Хитойнинг рақамли иқтисодиёти ҳажми сўнгги 15 йил ичида 1300 фоизга ошган, шу билан бирга, иккинчи ва учинчи даражали саноат шу даврда мос равишда 340 ва 590 фоиз ўсди.

Жанубий Корея, ўз навбатида, 2018 йилдан 2022 йилгача мамлакатни ривожлантириш стратегиясида платформа асосидаги иқтисодиёт тараққиётига суянишга ҳаракат

“Электрон поликлиника” тизимини жорий қилиш орқали қоғоз ҳужжатлар 40 фоиз, навбат кутиш 60 фоиз қисқаради. Бунинг учун марказий шифохона ва поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш лозим.

РАҚАМЛАШТИРИШСИЗ ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ

қилмоқда. Бу рақамли технологиялар ва глобал рақамли платформаларга асосланган иқтисодиётнинг янги туридир. Шу мақсад йўлида мамлакат ҳукумати тўртта дастурни амалга оширишга эътибор қаратмоқда. Булар катта маълумотлар майдонларини қайта ишлаш учун блокчейн технологиялари ва сунъий интеллектни ривожлантириш, рақамли савдо платформаларидан фойдаланиш учун бизнесни рағбатлантириш, водород ёқилгисини етказиб бериш учун логистика занжир тизими ва келахак технологиялари бўйича 10 000 нафар мутахассис тайёрлашдан иборат.

Японияда мамлакат тараққиётининг узок муддатли мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган асосий ҳужжат 2016 йилда Япония ҳукумати томонидан йирик бизнес федерацияси — “Кэйданрэн” кўмагида қабул қилинган “Society 5.0” стратегиясидир. Ушбу стратегия фуқаролар фаровонлиги даражасининг ўсишини таъминлаш учун илм-фан ва технологияларни ривожлантириш мақсадида илгор рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда, вужудга келган ижтимоий-иқтисодий ва маданий тизимнинг ўзига хос туридир. Ушбу стратегия машҳур “Industry 4.0” концепциясига асосланган бўлиб, у нафақат ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этади, балки унинг мақсади жисмоний ва кибермакон интеграцияси орқали ижтимоий фаровонликни таъминлашга ҳам қаратилгандир.

Президентимиз раислигида 22 сентябрь куни иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг гоёт муҳим масаласига бағишлаб ўтказилган йиғилишда рақамлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, жорий йил якунлари ва 2021 йилнинг биринчи чорағига мўлжалланган лойиҳалар муҳокама этилди.

Рақамлаштириш иқтисодиёт тармоқларида тежамкорлик ва самарадорлиқни таъминлайди. Масалан, Тайлоқ ва Оқдёр туманларидаги шағал карьерлари машиналарнинг юк ҳажмини назорат қилиш тизими йўлга қўйилиши натижасида ойлик тушум 3 миллиард сўмдан 8 миллиард сўмга ошган.

Давлат солиқ қўмитасига норуда карьерлардан фойдаланишда яширин иқтисодиётга барҳам бериш, бунинг учун ер қаъри кавалниши, юк ҳажми ва машиналар ҳаракатини назорат қилувчи электрон тизимларни ишга тушириш вазифаси юклатилди.

Келгуси уч йилда нефть, газ ва энергетика соҳасида 18 та, металлургия бўйича 12 та, автосаноат тизимида 9 та, кимё саноатида 8 та, тоғ-кон геология тармоғида 4 та рақамлаштириш лойиҳаси режалаштирилган. Мисол учун, Муборак ва Шўртан нефть-газ қорхоналарида автоматлашган диспетчерлик хизмати жорий этилгани туфайли йилга 50 миллион куб метр газ ва 650 минг киловатт соат электр энергиясини тежаб қолишга замин яратилди. Асакадаги автомобиль заводида логистика, харидлар, хомашё ва бутловчи қисмлар ҳаракатини рақамлаштириш орқали 41 миллион доллар тежаш мумкин. Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатидаги Ёшлик-1 ва Қалмоққир конларида транспорт комплекси автоматлашган бошқарув тизимини жорий қилиш ҳам шундай самарали лойиҳалардандир. Бу орқали йилга 28 миллиард сўм маблағ тежаллади.



КЕЛГУСИ УЧ ЙИЛДА НЕФТЬ, ГАЗ ВА ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА 18 ТА, МЕТАЛЛУРГИЯ БЎЙИЧА 12 ТА, АВТОСАНОАТ ТИЗИМИДА 9 ТА, КИМЁ САНОАТИДА 8 ТА, ТОҒ-КОН ГЕОЛОГИЯ ТАРМОҒИДА 4 ТА РАҚАМЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАСИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН. МИСОЛ УЧУН, МУБОРАК ВА ШЎРТАН НЕФТЬ-ГАЗ ҚОРХОНАЛАРИДА АВТОМАТЛАШГАН ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАНИ ТУФАЙЛИ ЙИЛГА 50 МИЛЛИОН КУБ МЕТР ГАЗ ВА 650 МИНГ КИЛОВАТТ СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ТЕЖАБ ҚОЛИШГА ЗАМИН ЯРАТИЛДИ.

Туман ва шаҳар ҳокимлари бир ойда 2-3 кун фуқат рақамлаштириш билан шахсан шуғулланиши белгиланди. Уларнинг фаолиятига ҳудудда рақамлаштириш қай даражада йўлга қўйилганига қараб баҳо берилди. Бу соҳада яхши натижа кўрсатган раҳбарларнинг маошига 30 фоизгача устама жорий қилинадиган бўлди.

Давлатимиз раҳбари ҳар доим аввало аҳоли энг кўп тўқнаш келаётган соҳаларни рақамлаштириш, одамларнинг оғирини енгил қилиш зарурлигини таъкидлайди. Шу талабдан келиб чиқиб, ишчи гуруҳлар томонидан 530 та ҳудудий ва 280 та тармоқ лойиҳаси тайёрланган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига жорий йилда белгиланган 14 туманда ижтимоий муассасаларни тўлиқ рақамлаштириб, қолган ҳудудлар учун намуна қилиш бўйича кўрсатма берилди.

Масалан, “Электрон поликлиника” тизимини жорий қилиш орқали қоғоз ҳужжатлар 40 фоиз, навбат кутиш 60 фоиз қисқаради. Бунинг учун марказий шифохона ва поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш лозим.

Жорий йил якуни бўйича ҳар бир тармоқ ва ҳудуд раҳбари рақамли иқтисодиёт соҳасида кескин ўзгариш қилиши

зарурлиги айtilди. Давлатимиз раҳбари бу янгиланишларни одамлар ўз ҳаётида, бюрократия ва коррупциянинг камайгани мисолида, давлат хизматларини кўрсатиш жараёни тезлашганида сезиши лозимлигини таъкидлади.

— Бугун кўриб чиқилаётган масала ривожланиш ва халқимиз ҳаётини яхшилаш борасидаги ишларимизнинг энг катта замини, — деди Президентимиз. — Буни барча ҳудуд ва тармоқ раҳбарлари тушуниб, дунё қарашини ўзгартириб, айтилган вазифалар ижросига қаттиқ қиришишлари керак.

Рақамлаштириш ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида меҳнат қилаётган фуқароларимизнинг оғирини енгил қилиши, уларнинг вақтларини тежаси, ишларнинг яхши ва сифатли бажарилишига кўмаклашиши бугунги кунда жаҳон тажрибасида ўз исботини топди. Бу борадаги технологиялар барча соҳаларда тараққиёт суръатларини жадаллаштиради ва пировард мақсадларга тезроқ ва яхшироқ эришишга кўмаклашади. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг қўйидаги сўзлари эртанги кунимизга масъул бўлган ҳар бир юрдошимиз учун гоёт долзарб ҳисобланади:

“Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ”.

Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида “Шафдоқ” қурилиш” миллий ахборот тизими ишга туширилди. У марказлаштирилган молиялаштириш манбаларидан, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари ҳисобидан объектлар қурилиши жараёнида қўлланилади. 2021 йил 1 январга қадар тизим бутун мамлакат бўйлаб реал вақт режимида ишлайди. Карантин марказларида сақланаётган шахсларнинг марказлашган ҳисоби ва қарантин режими ҳолати устидан мониторингини олиб бориш мақсадида www.karantininfo.uz ахборот тизими ишлаб чиқилди. “ASKDOCTOR” беморларга онлайн масалаҳат бериш портали яратилиб, ишга туширилди.

Жорий йилда молия соҳасида ҳам янгиланишлар оз кўрсатди. Марказий банк Тошкент шаҳрида ANOR BANK ва TBC банк гуруҳига фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берди. Мазкур молия муассасалари Ўзбекистоннинг масофадан туриб хизмат кўрсатишни йўлга қўйган илк рақамли банклари



Сайёр қабул

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

АҲОЛИНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММОЛАРГА ЖОЙИДА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

Ўзбекистон Президентининг Виртуал ҳамда Халқ қабулхоналари аҳолининг мамлакат тараққиёти ҳамда фаровонлигига қаратилиб таклифлари, айнққса, фуқароларни ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда кенг имкониятлар яратилмоқда. Одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш фуқароларнинг давлат ва жамиятга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Ҳудудларда бўлиб ўтаётган оммавий қабуллар фуқароларни қийнаётган иқтисодий, ижтимоий муаммоларга барҳам берилишида самарали восита бўлиб хизмат қилаётир.



билан кун кечириб келган. Бу ҳам етмагандай, бир фарзанди ногирон. Фуқаронинг мурожаати ўрганилиб, бу оилага уч хонали уй қуриб бериш ишлари бошланди.

— Ҳақиқатда жуда қийналдик, — дейди М.Миржалилов. — Тасаввур қилинг, бир хонали торгина уйда беш жон ашайимиз. Бунинг устига, фарзандим бу мен ногиронимиз. Илоҳим йўқлигидан мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Давлатимизга раҳмат. Мана, уч хонали ва бир айвонли уй қуриб бериляпти. Келажақда шу уйларда тўйлар қиламан, деб ният қилдим. Оруларим амалга ошмоқда. Бунинг учун давлатимиздан, раҳбарларимиздан миннатдорман.

80 ёшли Нўзмон Отажонов кексайган чоғида бошига мушкул иш тушди. Йўл-транспорт ҳодисаси отахоннинг ўғли Неъматни бу ҳаётдан олиб кетди. Айбдор ҳайдовчи жабранувчи оиласига тўлаб бериши лозим бўлган 20 миллион сўмнинг 12 миллион сўмини тўламай келаётган эди. Отахоннинг мурожаатидан сўнг унга ана шу маблағ ундириб берилди.

Тошкент вилоятидаги оммавий қабулларда Олий суд масъулларига мурожаатлардан кейин сайёр суд мажлиси ташкил этилди. Унда 100 га яқин иш қайта кўриб чиқилди. Натижада 41 нафар маҳкум жазони ўташдан шартли равишда, 16 нафари эса муддатидан олдин озод этилди. 39 нафар маҳкумнинг жазоси бошқа енгилроқ жазо турига алмаштирилиб, озодлиқка чиқарилди.

Бош прокуратура мутасаддиларига қилинган мурожаатлардан сўнг беш нафар мурожаатчига уй-жойга эгаллик ҳуқуқи олиб берилди. 4 та жиноят иши бўйича протест киритилди. Ички ишлар соҳаси бўйича келиб тушган мурожаатлар асосида фуқаролиги бўлмаган 12 нафар шахсга Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортлари берилди. 7 нафар фуқаро ички ишлар тизимига қабул қилинди, 2 нафарининг фуқаролик паспортлари янгиланган берилди ва бирининг йўқолган паспортни тикланди.

Мулоқотлар давомида қатор ижтимоий, иқтисодий муаммоларга ҳам ечим топилди. Жумладан, Марказий банк масъуллари билан мулоқотдан сўнг 108 та тадбиркорлик субъектига 11 миллиард 682 миллион сўм кредит ажратилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъуллари қабулларда уй-жойга муҳтож 48 нафар мурожаатчига субсидия ажратиб бўйича тақдимнома киритди. 34 нафар фуқарога моддий ёрдам, 17 нафарига нафақа таъинланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъулларига мурожаатлардан кейин Бўка туманининг “Дашобод” ва “Хўжақўрғон” маҳаллаларида тиббиёт пунктлари ташкил этиладиган бўлди. 20 нафардан ортиқ мурожаатчига даволашни учун ордер, дори-дармон, ногиронлик аравачаси, сунъий нафас олдириш аппарати етказилди.

Оммавий қабулларда олий таълим муассасаларини битирган 27 нафар йилгит-қиз мактабларга ишга қабул қилинди. Иккита мактабнинг иситиш тизими таъмирланди.

Умуман, Тошкент вилоятида ўтказилган оммавий қабуллар давомида 3 093 та мурожаат асосида 3 195 масала қуриб чиқилди. Қарийиб мингта масалага жойида ечим топилган бўлса, 686 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳат берилди. 1 510 та мурожаат бўйича аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, назоратга олинди.

Миннатдорлик

Озодлиқни қадрлашни ўргандим

Президентимизнинг мустақилигимизнинг йиғирма тўққиз йиллиги муносабати билан эълон қилинган фармонига бинозан муддатидан олдин озодликка чиқдим. Биласизми, дунёда озодликдан кўра улугроқ неъмат йўқ экан. Буни жазони ижро этиш муассасаларида ўтказган давримда яна ҳам чуқувроқ ҳис қилдим. Ўз қийиншишдан чин қўнгилдан пушаймон бўлдим, қилган хатомни такрорламасликка ваъда бериб, афв сўрадим.

Давлатимиз раҳбари мен каби адашганларни кечириб, тўғри йўлда юришимиз учун имконият берди. Уйимга, оила аъзоларим бағрига қайтдим. Хонадоним оstonасига қадам қўйишим билан узимга сўз берди: энди фақат ҳалол меҳнат қилиб оилани боқаман, эл-юрт қорига ярайдиган садокатли инсон бўлиб ҳаёт кечирам.

Озодликка чиққанымдан сўнг туман ҳокимлиги, “Ижтимоий мослашув” маркази ходимлари, имом-хатиблар келиб ҳолимдан

бундай эътиборни кўриб, бу ғамхўрликка қандай жавоб бераман, деган савол менга тинчлик бермаяпти. Қалбимга тугиб қўйдим ва ишга ҳам киришдим: бундан кейин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, юртимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшаман.

Нотўғри йўлга кириб, панжара ортида ўтказган кунларим учун жуда пушаймонман, ота-онам, оилам юзини ерга қаратганим учун юрагим эзилаяпти... Лекин асосийси — хатоларимдан тўғри ҳулоса чиқардим, кўзим очилди.

Шу ўринда менга бундай бахтни тўхфа этган халқпарвар Президентимдан доим хабардор бўлиб турган яхши инсонларга чексиз миннатдорлик билдираман.

Дилшод БЕГМАТОВ
Тошкент тумани

Жараён

ЯНГИ ЭЛЕКТР ҲИСОБЛАГИЧЛАР

тизимдаги муаммоларни бартараф этади, хонадон соҳибларига қарийб чорак аср беминнат хизмат қилади

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Электр энергияси ва табиий газ аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун энг зарур манбалардан ҳисобланади. Улардан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш эса аҳолининг ҳаётини, ҳам нақдинн тежашга хизмат қилади. Президентимиз раислигида 14 сентябрь кун

Ўтказилган видеоселектор йиғилишида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш автоматлаштирилган тизимларини тўлиқ жорий этиш масалалари таҳлил этилди. Жорий йилнинг 28 сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қўйилган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш мақсадида айни вақтга қадар жойларда қарийб 4 миллион дон

электр ҳисоблагич ўрнатилиб, улардан 2 миллиондан ортиғи жорий этилаётган автоматлаштирилган тизимга уланди. Энергетика вазирлиги тизимидаги “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти томонидан жорий йил якунигача яна 3,5 миллион дон шундай ҳисоблагич ўрнатилиб, 2021 йил 1 мартга қадар электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини тўлиқ ишга тушириш кўзда тутилган. Мазкур жараёнлар 2021 йил 1 январдан бошлаб электр энергиясини ҳисобини тўлиқ йўлга қўйиш, тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундиришни таъминлаш, тизим орқали аниқланган хатоликларни тезкорлик билан бартараф этиш ишларини ташкиллаштириш каби вазифаларни амалга ошириш билан бир вақтда олиб борилади.

ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛАДИГАН “АҚЛЛИ” ҲИСОБЛАГИЧЛАР

Автоматлаштирилган тизим инсон омили таъсирисиз ҳисоблагич кўрсаткичларини қайд этиш, қарздорлик мавжуд бўлганда тармоқдан ажратиш, бартараф этилгандан кейин унга қайта улашнинг автоматлаштирилган механизмидир. Бугунги кунда истеъмолчиларнинг мавжуд электр ҳисоблагичларини жорий этилаётган автоматлаштирилган тизимга ўтказишнинг имкони йўқ. Шу боис, республикаимизда янги тизимга мос келувчи электр ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Амалдаги электр ҳисоблагичларни янги-сига алмаштиришда аҳолидан ҳеч қандай ортиқча харажат талаб қилинмайди. Уларни олиб бориб, ўрнатиб бериш ишларининг бари “Худудий электр тармоқлари” АЖ ходимлари томонидан бепул амалга оширилади. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 522 миллион АҚШ долларига тенг. Унинг илк босқичи Осиё тараққиёт банки томонидан молиялаштирилиб, 150 миллион АҚШ доллар микдорда маблағ ажратилган ва Жанубий Кореянинг “KT Corporation” компанияси билан ҳамкорликда Жиззах, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида амалга оширилмоқда.

Республика бўйича электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини тўлиқ жорий этиш учун жорий йил якунигача қадар 7 миллион 418 мингта электр ҳисоблагич ўрнатилиши режалаштирилган. Бугунги кунга қадар бу режа 54 фоизга бажарилди.

Ҳисоблагичларни ўрнатиш билан паралел тарзда уларни автоматлаштирилган тизимга улаш ишлари ҳам олиб бориляпти.

Янги электр ҳисоблагичлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаган айрим фуқаролар орасида унинг ўрнатилишдан норози бўлаётганлар ҳам учраб турибди. Аммо қурилма нафақат тизим мутахассислари, балки аҳоли учун ҳам фойдаланишда қулай ва бир қатор афзалликларга эга.

— Электр энергетикаси соҳасида ҳисоб-китобнинг йўқлиги, дебитор қарздорлигининг йилдан йилга ўсиб бориши тизимни тубдан ислоҳ қилиш, мавжуд электр

ҳисоблагичларни автоматлашган турда-гиларига алмаштириш заруратини юзага келтирди, — дейди “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир Обиджонов. — Амалдаги электр ҳисоблагичлар электрон бўлса-да, аввалги айланадиган дискли (индукцион) ҳисоблагичлардан фақат қўри-ниши билангина фарқ қилади. Уларнинг ҳар иккаласи орқали, афсуски, маълумотларни масофадан олиш ва бошқаришнинг имкони йўқ. Ҳисоблагичларни ҳар сафар кўриқдан ўтказиш, ундан кўрсаткичларни ёзиб олиш ва ҳисоб-китоб қилиш учун дастурга қиритишга ҳар бир истеъмолчига худудий электр тармоқларидан ходим бориши талаб этилади. Бугунги кунда 7 миллион 400 мингдан ортиқ истеъмолчида шундай ҳисоблагич борлигини ҳисобга олсак ҳар ой уларнинг ҳаммасини маълумотини тўплаш осон кечмаслиги маълум бўлади. Мунтазам равишда ҳисоблагич кўрсаткичларини қайд этиш мақсадида жойларга чиқиш учун 8 минг ишчи олиниб, уларнинг ҳар бирига ойлик маош тўланган. Шунингдек, қарздорлиги мавжуд бўлганларнинг хонадонига икки нафар ходим бориб, истеъмолчинини электр тармоғидан узиши ва қарздорлик тўлангандан сўнг қайта тармоққа улаши учун ҳам муайян вақт ҳамда ортиқча маблағ сарфланар эди. Энг ачинарлиси, узатилган электр ҳисобини юритиш, истеъмолчилар кесимида балансини чиқариш учун кўп вақт талаб этилиши ҳисобига маълумотлар корхонанинг молиявий ҳисоботларига кеч киритилар, натижада бу жараён 6 ойгача қўзилиб кетарди.

Ана шу камчиликларнинг олдини олиш ҳамда аҳолига узлуқсиз ва сифатли электр энергиясини етказиб беришни таъминлаш мақсадида электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига ўтилмоқда.

Автоматлаштирилган тизимга уланган электр ҳисоблагичлардан фойдаланиш, аввало, фуқароларга қулайлик тугдиради. Аввалги ҳисоблагичларда санокли маълумотлар жамланган бўлса, тизимга уланганларида 40 тага яқин маълумотни кўриш имконияти мавжуд бўлиб, хонадон соҳибига тахминан 25 йилгача хизмат қилиши кўзда тутилган. Чунки улар маҳаллий корхоналар томонидан жаҳон стандартлари асосида юртимиз иқлим шароити, ҳусусан, ҳавонинг энг иссиқ ва энг совуқ даражасига мослаштирилган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳисоблагични созлаш билан боғлиқ муаммоларда ҳам фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигига ҳолат қолмайди. Тизимга уланиш жараёнида камчиликка йўл қўйилган бўлса ёки ишлаши билан боғлиқ бошқа муаммолар юзага келганда, ҳисоблагич тизимга автоматик хабар юборади ва мутахассислар келиб, нуқсонни бартараф этади.



— Яна бир қулай жиҳати, ҳисоблагичлар тўлиқ автоматлаштирилган тизимга уланиши ҳисобига унга инсон омили таъсири ботук қолмади, — дейди Жаҳонгир Обиджонов. — Яъни ҳисоблагич кўрсаткичларини қайд этиш, қарздорлик мавжуд бўлганда тармоқдан ажратиш, қарздорлик бартараф этилганда, тармоққа қайта улашнинг бари автоматлаштирилган тизим асосида амалга оширилади. Натижада ҳисоблагич кўрсаткичларини қайд этиш учун хонадонларни доимий кўриқдан ўтказиш керак бўлмайди. Одатда электр энергиясидан фойдаланишни биламиз-у, унинг тўловларига келганда ишни ортага сураимиз. Натижада узатилган электр энергияси учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмагани тизимда қатор муаммоларни юзага келтира бошлайди. Бугунги кунда республика бўйича электр энергиясидан истеъмолчиларнинг 3,4 триллион сўм қарздорлиги мавжуд бўлиб, унинг 2,4 триллиони аҳоли улушига тўғри келади. Қарздорлик бўйича энг катта кўрсаткичлар Самарқанд, Фарғона ва Наманган вилоятлари истеъмолчилари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Худудларда жорий этилаётган янги тизим

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти томонидан жорий йил якунигача яна 3,5 миллион дон шундай ҳисоблагич ўрнатилиб, 2021 йил 1 мартга қадар электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини тўлиқ ишга тушириш кўзда тутилган.



мазкур муаммоларнинг ечими бўла олади. Хусусан, янги ҳисоблагичлар ўрнатилиши ва электр энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимга ўтказилиши натижасида 7 та туман ва шаҳарда электр энергияси учун тўловларнинг ундирилиши 40 фоиз ошиб, мавжуд дебитор қарздорлик 20 фоиз қисқарди.

Ҳисоблагичнинг кўрсаткичини ўзгартириш (айлантириш) мақсадида ташки таъсир ўтказиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатларни энди “ақлли” тизимдан яширишнинг имкони бўлмайди. Бунинг боиси, ҳисоблагич ҳар қандай ташки таъсирни ўз хотирасига ёзиб олади ва бу маълумотларни қайта ишлаш марказларига юборади.

ҲАР БИР ҲУДУДДА СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ҳисоблагичлар барча худудларга ўрнатиб бўлинган, уларни созлаш ва алоқага чиқариб биллинг тизимига улаш ишлари амалга оширилади. 2021 йилнинг март ойига қадар барча электр ҳисоблагичлар “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан Тошкентда шу йилнинг август ойда ишга туширилган Электр энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлаштириш марказига уланади.

Марказда республика, вилоят, туман (шаҳар) ва зарурат бўлганда маҳаллалар кесимида электр энергияси истеъмолчилари ҳисоблагичларнинг маълумотлари қайта ишланади ва сақлаб борилади. Дастурий таъминот орқали электр энергиясининг соатлик, суткалик, ойлик ва йиллик балансларини шакллантириш ҳамда табаклаштирилган тарифда ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкони мавжуд. Марказда электр ҳисоблагичларни назорат қилиш баробарида уларни масофадан туриб қайта дастурлаш ҳамда олинган маълумотларни қайта ишлаш вазифалари ҳам амалга оширилади.

Бугунги кунда бу ерда ўрнатиладиган дастурий таъминотнинг сервер қурилмалари саккиз миллион истеъмолчинини улашга мўлжалланган бўлиб, келгусида 20 миллион нафарга етказиш имконияти юзага келади.

Аммо тизимни барча худудларда ишга тушириш учун, аввало, айрим мавжуд муаммоларни бартараф этиш талаб қилинади.

— Электр ҳисоблагичларни автоматлаштирилган тизимга улаш учун барча трансформатор пунктларига маълумотларни жамловчи концентраторлар ўрнатилиб, мобиль алоқа орқали маълумотлар марказга узатиб борилади. Лекин республикаимизда интернет тармоғи бўлмаган ёки жуда ёмон ишлайдиган худудлар бор. Бу эса иш жараёнида қатор муаммоларни юзага келтирмоқда, — дейди Жаҳонгир Обиджонов. — Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, бу муаммоларни ҳал қилиш бў-

йича тегишли ташкилотларга аниқ топшириқлар берди. Уларнинг бартараф этилиши белгиланган вазифаларни тез ва самарали амалга оширишимизда катта ёрдам бўлади.

Шунингдек, лойиҳа тўлиқ якунига етгач, ҳар бир вилоят марказларида ҳисоблагичларга хизмат кўрсатиш сервисларини очиш ҳам кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, бу ишларни йўлга қўйиш натижасида электр энергияси таъминотида сезиларли ўзгаришлар бўлади. Аввало, тизимдаги тигиз соатларда юқла-мини бошқариш имконияти яратилиб, истеъмолчиларга электр энергиясини олдиндан тўлов асосида етказиб бериш орқали қарздорлик ҳосил бўлишининг олди олинади. Айланма маблағлар танқислиги сабаб модернизация ва реконструкция қилинмаётган тармоқларга кўпроқ маблағ ажратиш ҳисобига электр энергиясини узатишдаги ўзилишлар сони сезиларли даражада қисқаришига эришилади. Асосийси, дастур орқали қайси тармоқ ёки худудларда меъёрдан ортиқ йўқотишлар бўлаётганини аниқлаш орқали электр энергиясини узатишда тижорий йўқотишларга имкон қадар тўсиқ қўйилади.

Инновация



Уй ёки бирор иншоотни қуриш кўп маблағ, меҳнат ва ишчи кучини талаб этади. Мамлакатимизда шундай инновацион технология ишлаб чиқилдики, у орқали бир неча ойлаб қуриладиган бинолар кам куч ва маблағ сарфланган ҳолда экологияга зарар етказмасдан бир неча кунда қад ростлайди. Бу инновацион ускуна — 3D ўлчамли принтерлар орқали амалга оширилади.



ТЕЗ, СИФАТЛИ ВА ҲАМЁНБОП Ўзбекистонда имконияти кенг 3D ўлчамли принтерлар ишлаб чиқарилмоқда

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Аслида 3D ўлчамли ускуналарда турли жараёнларни бажариш янгилик эмас. Сабаби, улар билан бундан анча йиллар илгари елим буюмлар, ўкув қуроллари ишлаб чиқарила бошланган. Аммо бундай ускуналар ёрдамида бино қуриш дунёда бармоқ билан санарли давлатларда йўлга қўйилган.

Президентимизнинг 2017 йил 5 июндаги “Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида”ги фармони асосида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Яшнобод технопаркида шу каби лойиҳаларга кенг йўл очилмоқда. Улардан бири “Новапринт” корхонасида дунё юзини кўрмоқда.



3D уйи анъанавий бинога нисбатан қандай афзалликларга эга?

Уй-жой қурилишига азалдан қадрият даражасида қараб келинган. Сабаби, меҳмондўст халқимиз учун уйнинг кенглиги, шинамлиги жуда муҳим. Кимдир уй қўтаришини бошласа, ҳашарга бориш, ёрдам бериш маҳаллаларда ҳали-ханузгача давом этиб келади. Аммо бунинг ўзига яраш гашти билан бирга харажатлари ҳам йўқ эмас. Усталарга тўланадиган маблағлар, уй тайёр бўлишини узоқ вақт кутиш, қурилиш материалларига сарфланадиган харажат ва шу кабилар қурилиш бошلامоқчи бўлган инсонни етти ўлчаб бир кесиб иш тугтишга ундайди. Хўш, ҳамёнбоп, сифатли ва тез қурадиган, деяр таъриф берилаётган 3D ўлчамли принтер ва унинг ёрдамида қурилган биноларнинг афзалликлари қандай?

— 3D ўлчамли принтерлари ёрдамида яратилган бинонинг устун томонлари кўп, — дейди “Новапринт” корхонаси мутахассиси Жаҳонгир Жўлиев. — Биринчиси, 5-6 одам эмас, атиги икки ишчи билан ҳам уй курса бўлади. Иккинчиси, қисқа муддатда қуриш имконияти. Айтайлик, 3 киши 100-120 квадрат метр майдонга тенг бинони 48-72 иш соатида қуриши мумкин. Учинчиси, жараёнда объектнинг тоза ишланиши,



санитария қоидаларига тўлиқ риоя этилиши. Асосий афзаллиги эса ҳамёнбоплигида. Оддий пишган гиштдан қурилган объект билан солиштирганда 30 фоиз арзонага тушади. Бу инновация билан бунёд этилган турар жой ва ижтимоий объектларнинг зилзилага бардошлилиги даражаси текширилганда, улар 8,6 баллга чидамлилиги тасдиқланди. Қолаверса, бюрократчи хоҳлаган жойида истасан шаклда 9 метр баландликкача бўлган бинони қурдириши мумкин. Бу услубда қурилган бинолар 50 йилгача хизмат қилади.

Имконияти кенг инновация


Бу корхона нафақат Ўзбекистонда, балки бутун МДХ давлатларида илк мартаба шундай инновацион ускунани тақдим этмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бизнинг уч ўлчамли принтерларнинг ҳатто Россия Федерацияси ишлаб чиқараётган ускуналардан устун томонлари ва бажариш вазифалари кўпроқ. Айтайлик, россиялик ишбилармонлар томонидан чиқарилган принтер битта — бетондан уй қура олади. Маҳаллий маҳсулотимиздан эса бир вақтнинг ўзига 3 тадан 7 тагача қурилиш ишларини амалга ошириш мумкин. Масалан, ускунанинг учига бошқа жўмрак уланса, принтер темир буюмларни кесади, тахталарни ўйиб, нақш жасайди. Россия принтерларида бу ишларни бажариши учун қўшимча яна шундай ускуна олишга тўғри келади. Яна бир муҳим жиҳати, 3D ускунаси билан цемент ўрнини босувчи бошқа қоришмаларни ҳам қўллаш олишдадир. Бу ҳам қурилиш харажатларининг тежалишини таъминлайди.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган “Нова 1” русумли принтер ускунаси цемент қоришмасидан фойдаланган ҳолда аддитив технология асо-

сида кичик меъморий шакллар, бино ва иншоотларнинг таркибий қисмлари, гултуваклар, ландшафт ҳамда деворларнинг декоратив элементлари ва безакларини “чоп этиш”га ихтисослашган, — дейди Жаҳонгир Жўлиев. — Уни ишлаб чиқариш жараёнида хомашё тарикасида маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланилади. “Нова 2” русумли ускуна биноларнинг таркибий қисмлари ҳамда умумий майдони 374 квадрат метр, баландлиги эса 8 метрни ташкил этувчи тайёр иншоотларни ишлаб чиқаради. Ҳозир ушбу принтер ёрдамида синов тарикасида 65 квадрат метр майдонни эгалловчи бино қурилган. Бундан ташқари, ҳозирги кунда унинг ёрдамида ишлаб чиқариш цехи ҳам барпо этиляпти.

“Нова 3” русумли принтер ПВХ ёки цемент қоришмаси ишлатилган ҳолда мураккаб тузилишдаги кичик архитектура шакллари, шунингдек, пластика ёрдамида автомобильнинг эҳтиёт қисмлари ва қайиқлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ускуна бўлиб, ҳозир унинг ёрдамида синов тарикасида қайиқ қўйиш ишлари олиб борилмоқда.

Янада арзон ускуна устида ишланмоқда



Корхона мутасаддиларининг айтишича, келажакдаги режалардан бири ушбу 3D принтер ёрдамида ўзининг муқобилини ишлаб чиқариш. Бу нима дегани? Бунда ишчи кучи деярли ишлатилмайди. Узоқ масофадан туриб ҳам ишлай оладиган бу ускуна саҳрога олиб бориб қўйсангиз, ёнида қоришма қўйиб турадиган киши билан ҳам бино қура олади.

Кейинги масала — цемент ўрнини босувчи махсус қоришма таркибини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш. Бу маҳсулот арзон қурилиш материаллари турига киримайди. Уйнинг тез қурилиши, ишчи кучининг камлиги яхши, албатта. Аммо барчаннинг ҳам цемент ишлатишга қурби етмаслиги мумкин. Шуни инобатга олган ҳолда, корхона ишчилари ҳамда Архитектура ва қурилиш институти цемент-бетон қоришмалари кафедраси олимлари ҳамкорлигида унинг муқобил вариантини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

21 октябрь — Ўзбек тили байрами кун



ОНА ТИЛИМИЗГА ЭҲТИРОМ ВА САДОҚАТ

Алишер НАРЗУЛЛА,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги
бош директорининг маслаҳатчиси

Тил – миллат таянчи. Миллат онги, руҳи ўсиши билан тил ҳам ўсади, томир отади, гуркирайди. Ва аксинча ҳолат юз берганда, нур сочиб турган манзиллар ҳам саробга айланиб, оқибат, йўқликка юз тутади. Инсоният тарихида бунга мисоллар кўп.

Биз кундалик ютуқ, қусурларимиз кўлами, чегарасини ўзимизча белгилаймиз. Чунки бу биргина ўзимизга, нари борса, оиламизга тегишли бўлган ўта хусусий масала. Аммо она тилимиз ҳақида гап кетганда, дўпини бошдан олиб, орқа-олдимизга қараб, кейин сўз айтишга чоғланамиз. Чунки она тили — бу миллат тили, хусусийлик доирасидан ташқаридаги умуммиллий ҳодиса. У бутун бошли бир халққа, миллатга тегишли.

Ана шундай бебаҳо бойлик, неъмат бўлган тил ҳам барча тирик мавжудот каби парвариди, кези келганда, ҳимояга ҳам муҳтож бўлади.

Мана, ҳадемай, она тилимизга давлат тили мақоми берилганига 31 йил ўтади. Ана шу 31 йил бурун қабул қилинган муҳим қарор халқимиз руҳиятини уйғотди, бизга мустақиллик эшикларини очди. Мустақиллик, ўз навбатида, тилимизга бўлган эътиборни янада қучайтирди. Бирин-кетин ўзбек тилини ривожлантиришга қаратилган қонун ва қарорлар қабул қилинди. Бу жараён охириги икки-уч йил ичида янада жонланиб кетди.

Шуқри, тилимиз бугун майда-чуйда қусурлардан қутулиб, тобора қаддини тиклаб, боболаримиз орзу қилган мавқега кўтарилиб бормоқда. Президентимиз ташаббуси билан бу йил 21 октябрь санаси юртимизда Ўзбек тили байрами кун — миллий байрам сифатида кенг нишонланади. Бу байрам ҳам худди мустақиллик байрамидек халқимизнинг энг қутлуғ айёми бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Президентимиз таъбири билан айтганда: “Хар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни хаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим”, бўлади.

Ўзбеклар бугун ер шарининг деярли барча минтақасида, ҳатто олис Австралиягача бўлган ҳудудларда яшайди. Демак, она тилимиз бошқа катта-кичик тиллар қатори денгиз, уммонлар, сахрою тоғлар оша миллат тимсоли сифатида янги-янги манзилларга кириб борапти, дунёда ўзининг борлигини намоён этапти.

Бугун дунёнинг 60 дан зиёд олий ўқув даргоҳида ўзбек тилини ўрганиш йўлга қўйилган. Ҳатто олис Япония, Европанинг локомотиви бўлган Германияда ҳам талабалар ўзбек тилини ўрганмоқда. Чет элларда ўзбек тили дўстлари клублари, ўзбек тилини ўргатиш марказлари фаолият юритаётгани она тилимизнинг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеи яна юксалишига хизмат қилмоқда.

Аммо тилимиз билан боғлиқ масалаларга биргина давлат раҳбари, ҳукумат, давлат тилини ривожлантиришга масъул идоралар вакиллари жон куйдиришлари етарлими, деган савол ҳам пайдо бўлади. Қабул қилинган қонун ва қарорлар ҳуқуқий меъёрлар, ҳолос. Унга амал қилиш, ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айлантириш эса ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз.

Аслида тилини қим ҳимоя қилади? Унинг парвариши билан шуғулланидиган “ҳосилот” борми, деган савол қўндаланг бўлади. Бор, албатта. Бу шу тилининг эгаси бўлган, шу тилда гапирадиган ҳар бир фуқаронинг ўзи.

Тилининг бугуни, эртаси ўша тилда сўзловчи халқ, миллатнинг бугун

Бугун дунёнинг 60 дан зиёд олий ўқув даргоҳида ўзбек тилини ўрганиш йўлга қўйилган. Ҳатто олис Япония, Европанинг локомотиви бўлган Германияда ҳам талабалар ўзбек тилини ўрганмоқда.

Таълим

МАКТАБЛАРДА БЎЛҒУСИ ТАЛАБАЛАРИМИЗНИ КАШФ ЭТАМИЗ



Нодирбек САЙФУЛЛАЕВ,
Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн
институтининг ректори

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 23 август кун халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўқитувчи-мураббийлар, таълим тизими ходимлари, қўйингки, бутун халқимизга мурожаат қилиб, “Хўрматли муаллимларимиз, жонқуяр мактаб директорларини, соҳа фахрийларини эл-юртимизнинг таянчи ва суянчи, деб биламиз”, деган эди.

Ушбу йиғилишнинг мантиқий давоми сифатида бу йил 30 сентябрь кун ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги тарихий нутқида ҳам Президентимиз бу масалага яна бир бор тўхталиб, “Янги Ўзбекистон оstonаси мактаб-дан бошланади”, дея таъкидлади.

Ушбу йиғилишларда қатнашган инсон сифатида эътироф этишим жоиқиз, ўқитувчининг жамиятдаги ўрни ва мавқеи гоёт муҳимлигини, педагогик давлат тараққиёти учун хизмат қиладиган соҳа эканини Президентимизнинг нутқини тинглаб, ҳис қилдик.

Ақсариятимизда бир камчилик ёки эътиборсизлик борки, кўп ҳолларда ўз хизмат вазифида адо этиш ёки бошқа ҳаёт ташвишлари билан ўралашиб қолиб, шу даражага эришишимизга беқизи ҳисса қўшган мактаб билан алоқамиз узилганини сезмаймиз.

Ўтган йили 19 март кун ишлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббусни ҳаётга жорий этишга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда ҳар бир раҳбарга ўзи таълим олган мактаб кутубхонасига китоблар етказиб, шахсий намуна қўратиши зарурлиги ҳусусида топшириқ берилди. Шундан кейин ўзим ўқиган мактабга алоҳида эътибор қарата бошладим. Шу сабаб бўлиб мактабимга бир неча марта бордим. Таълим муассасаси кутубхонасига китоблар тақдим этдим. Ўзим раҳбарлик қилаётган институт билан ҳамкорликда мактабда тад-

Тақдимот

Муножат МҲМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакат келажакнинг мустақам пойдевори мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида қўйилади. Шундай экан, бугун мактаб парчасида ўтирган ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама баркамол тарбиялаб, етух кадрлар сафига қўшиш энг долзарб масаладир. Замонавий кадрлар эса камида иккита чет тилидан ташқари ўз она тилини мукаммал билиши керак. Давлат тили нуфузини оширишга қаратилган бу муҳим жиҳатни инобатга олган ҳолда республикамиздаги умумтаълим мактабларида ўзбек тилини чуқур ўргатишга жиҳдий эътибор қаратилмоқда.

Ана шу йўлдаги эзгу ҳаракатлар самараси ўлароқ, Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов муаллифлигида бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган ўзбек тилининг изоҳли луғатчаси дунё юзини кўрди. Ушбу китобнинг тақдимотида бағишланган тадбир пойтахтимизнинг Миробод тумани-

бирлар уюштирдик, бир неча тўгарак ташкил этдик. Ушбу тўгараклар фаолияти билан танишиш асосида ҳис этдикки, инсоннинг камолотида мактабнинг, устоз-мураббийларнинг ўрни ва аҳамияти беқиз.

Бугун юртимизда илм-фанни ривожлантириш, пировардида юртимизни дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқиш учун барча соҳалар қатори олий таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб берилмоқда. Соҳада фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар ва ходимларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилди. Педагогларнинг ойлик маоши сезиларли даражада оширилди. Шунингдек, турар жой ва шахсий автомобилга эга бўлишлари учун қўллаб-имтиёзлар берилмоқда. Натижада олий таълим тизимида фаолият юритиш ҳавас қилса азирли қасбга, фаолият турига айланди.

Сўнги 4 йилда мамлакатимизда 47 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, олий ўқув юрларининг сони 125 тага етди.

Президентимиз 30 сентябрдаги нутқида: “Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессансининг тўрт узвий халқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Ўйғонинг даврининг тўрт таянч устунини, деб ҳисоблаймиз”, дея таъкидлади.

Шу билан бирга, соҳадаги муаммолар ҳусусида ҳам сўз юритилиб, бугун тизимда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг 37 фоизигина илмий даражага эга экани ва бу яхши натижа эмаслиги, боз устига, олий таълим муассасаларини илмий лабораториялар билан таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражаси ҳам паст экани қайд этилди. Шунингдек, “ўшбу муассасаларда илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш мақсадида илмий-техник дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар кўламини уч баробар кенгайтириш, докторантурага қабул квоталарини тўрт марта қўпайтириш зарур”лигига ургу берилди.


Албатта, бу муаммоларни тезкор ҳал этиш, олий таълим тизимида ўқитиш сифатини ошириш масъулиятини соҳада ишлаётган раҳбардан оддий ходимгача чуқур англамоғи, фаолиятига танқидий назар солмоғи зарур ва шарт, деб ўйлайман.

Юртимизда бадий таълимга ихтисослашган ягона олий таълим муассасаси бўлими Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти бугунги кунда тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик ва музейшунослик соҳалари ривожига сезиларли даражада ҳисса қўшиб келмоқда. Бундан институтимизда таҳсил олган ва ҳозир ишлаётган истеъдодли ижодкорларнинг ҳам муносиб хизмати бор.

Кўпалар профессор-ўқитувчиларимиз яратган нодир асарлар нафақат юртимиз, балки хориждаги нуфузли кўргазмаларда намойиш этилиб, шахсий коллекциялар ва галереяларда сақланмоқда.

Соҳанинг илмий пойдеворини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратялмиз. Жумладан, институтда бир қатор нуфузли чет эл олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Коронавирус пандемияси юртимизда ҳам қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилмоқда.



Жумладан, таълим соҳасида ҳам бу жиҳат яққол намоён бўлмоқда.

Ўтган ўқув йилининг иккинчи ярмидан юртимиздаги барча таълим муассасаларида он-лайн таълим жорий этилди. Таълим платформалари яратилди. Профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба ёшларда, шунингдек, фарзанди таълим олаётган ота-оналарда ҳам уй шароитида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет ресурсларидан фойдаланиш кўникмаси шакллантирилди.

Профессор-ўқитувчиларимиз томонидан 344 та фан бўйича электрон ўқув ресурслари ишлаб чиқилиб, институтнинг масофавий таълим платформаси, расмий веб-сайти, телеграм канали, интернет сайтларидаги расмий саҳифаларига жойлаштирилди.

Масофавий таълимда талабалар назарий жиҳатдан муаммоларга учрамапти. Мустақил таълимнинг аҳамиятини юқори баҳолаган ҳолда, айтиш мумкинки, онлайн таълим шакли, айниқса, ижодкор кадрлар тайёрлашга ихтисослашган олий таълим муассасаларида айрим мураккабликларни юзга келтиргани ҳам бор гап. Чунки устоз-шогирд аънаъаси орқали мутахассис тайёрлайдиган бу турдаги муассасаларда жонли мулоқот катта аҳамиятга эга. Устоз шогирдининг нафақат бажарган ишини баҳолаши, балки ишлаш жараёнида уни бевосита йўналтириб туриши ҳам талаб этилади. Негаки санъат асари бир кунда яратилмайди. Унинг замирида улкан меҳнат ва машаққат ётади. Айниқса, бизнинг олий таълим муассасамизда талабалар мутахассис кадр бўлиб етишиши баробарида, бирор устоз рассомнинг шогирди сифатида ҳам эътироф этилади.

Ушбу омилиларни инобатга олган ҳолда, бугун профессор-ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам яхши ниятлар билан аънаъавий таълимга қайтишни интизорлик билан кутмоқда.

Президентимизнинг байрам нутқидан олдимизга қатор вазифаларни белгилаб, улар ихросини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқдик. Жумладан, талаба ёшлар онлида ўқитувчи-мураббийларга чуқур эҳтирomini шакллантириш, шунингдек, миллий гоё даражасига кўтарилган Учинчи Ренессанс моҳиятини кенгроқ тушунтириш мақсадида “Қалбим ардоғидасиз, азиз устозим!” ҳамда юртимиз аллоамлари акс этган “Тамалдун бунёдкорлари” номли онлайн расмлар танлови эълон қилинди.

Бу борада институтимизда яхши тажриба ва аънаъа шаклланган. Талабаларнинг қарантин даврида иқодини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида “Ўйда қол — иқод қол” онлайн кўрик-танловини ташкил этиб, 30 июнь — Ёшлар кунига танловнинг голиб ва совриндорларини тақдирлаган эдик. Бу галли танлов голиблари ҳам шу таразда тақдирланиши режалаштирилган.

Президентимизнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан шуни англадикки, бугун олий таълим муассасалари ва мактаблар ўртасида мулоқот узулиб қолган. Шу омилини инобатга олган ҳолда, келгуси фаолиятимизда умумтаълим муассасалари, айниқса, Бадий академия тарихига кирувчи ихтисослашган санъат мактаблари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўямиз. Бу жараёнда профессор-ўқитувчиларимиз ва талабаларимиз иштирокда маҳорат дарсларини ташкил этишдан тортиб, биргалликда ўқув-ўқувчи қўллашларини ва дарсликларни яратишгача бўлган босқичлар қамраб олинади. Пировардида мактаблардаги бўлғуси талабаларимизни кашф этамиз.

“СЎЗ САНДИҚЧАСИ” — МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

даги 110-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимини очар экан, халқ таълими вазири Шерзод Шерматов шундай деди:

— Нега ўзбек тилининг изоҳли луғатчаси тақдимоти бу мактабда ўтказилляпти, деган савол туғилиши мумкин. Тадбирини айнан шу мактабда ташкил этганимиз бежиз эмас. Чунки айни пайтда рус синфларида ўзбек тили дарс соатлари 35 фоиз қўпайтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти раҳбари Абдуғаффор Қирғизбоевнинг таъкидлашича, департамент бююртмаси асосида ўн минг нусхада нашр этилган мазкур луғатча барча умумтаълим мактабларида етказиш учун Халқ таълими вазирлигига беғараз тақдим этилди.



Ўтмиш ва бугун

ВАТАН ВА МИЛЛАТ ТАРИХИ МАНБАИ

Алишер СОБИРОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети докторанти,
Ўзбекистон тарихчилари жамияти раиси ўринбосари

Демократик жамият қуриш, дунёнинг етакчи давлатлари қаторидан ўрин эгаллаш учун интилаётган ҳар бир халқ, аввало, ўз илдизларини теран англаши, тарихини билиши ва ундан тўғри хулосалар чиқариши лозим. Тарихий хотира муайян халқ ёки давлатнинг ўтмишини сақлаш ва қайта тиклаш жараёнининг ифодасидир.

Буни англаш, айниқса, бугунги ёшлар учун жуда муҳим. Зеро, 10-15 йилдан кейин мамлакатимиз тақдирини ва тарқиёти даражаси айтиш шۇ ёшларга, улар бугун қандай билимларни эгаллаётгани, қадриятларини сингдираётганига боғлиқ. Тарихий хотиранинг заифлашиши баъзан авлодлар ўртасидаги алоқанинг узилишига, ватанпарварлик ва фуқаролик ҳиссининг сусайишига олиб келади. Шу боис, ёшларда тарихий қадриятлар асосида ватанпарварлик ҳисси ва фуқаролик онгини шакллантириш, уларда Ватанидан фахрланиш туйғусини юксалтириш бугунги куннинг муҳим вазифаси саналади.

Ҳар йили 31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини давлатимиз раҳбари иштирокида миллатимиз озодлиги учун жонини қурбон қилган зиёлиларимиз хотираси Ўзсув канали ёқасида жойлашган Шаҳидлар хотираси хиббонасидан ёд этилади. Президентимиз бу йил ҳам қатагон қурбонлари хотирасини ёд этиш борасида сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиб, жумладан, шундай деди: **“Ватан фидоийларини эслашимиз, уларнинг ҳақиқига Қуръон ўқишимиз яхши анъана. Матрифатпарвар болаларимиз мустақиллик учун, халқимиз эмин-эркин яшаши учун курашганини биламиз. Охириги йилларда бутун жамоатчилигимиз ҳаракати билан уларнинг номларини тиклаш, музейларни янги намуналар билан тўлдирish, ижод мактаблари ташкил этиш бўйича кўп ишлар қилинган. Буларнинг ҳаммаси — одамларга тарихий адолатни, ҳақиқатни етказиш учун, халқимиз у кунларни билиши ва ҳеч қачон унутмаслиги, бугунги кунларнинг қорига етиши учун”.**

Давлатимиз раҳбари шу ерда нурунийлар, уламо ва зиёлилар билан мулоқотда яна бир ғояни — қатагонга учраган 100 минг одамнинг ҳар бири бўйича изланиш олиб бориш, жойларга чиқиш, қариндошлари билан учрашиш, номларини тиклаш, қилган ишлари ҳақида китоблар чоп этиш, ўзлари яшаган маҳалла ва мактабларга номларини қўйиб, хотирасини абадийлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, шу йил 9 сентябрь кунини Президентимиз имзолаган “Ғалаба боти” ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда ҳам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, уларнинг беқисс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон халқининг ғалабага қўшган улкан ҳиссасини илмий асослаш учун мақсадли, фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш каби мақсад-вазифалар белгиланди.

Бундай ташаббуслар, албатта, ёш аввало, тарихчи олимлар зиммасига катта вазифа юклайди. Шу ўринда савол туғилади: тарих гувоҳ бўлган минглаб инсонлар, уларнинг тақдирини, ғоялари, фикрлари ва оруз-умидларини ватандошларимиз хотиралари орқали қандай очиб бериш мумкин? Чунки архив фондларида улар ҳақида барча ҳужжат сақланган, деб бўлмайди.

Бунда бизга фақат озғани тарих (Ғарб манбашунослигида oral history) ёрдам беради. Озғани тарих тарихий тадқиқот-

ларнинг тарихий-биографик усули билан бевосита боғлиқ бўлиб, у ўтмишни, битта шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг психологик портретини яратиш, ҳаёт шариоитларини қайта тиклаш, тавсифлаш ва таҳлил қилишга қаратилган.

Ўтмиш ҳақидаги маълумотларни авлоддан авлодга етказишнинг озғани анъаналари шу билан характерланади, унда инсон ўтмиш ҳақидаги хотираларини бугунги кун юзага келтирган ўз ҳис-туйғуларига асосланган ҳолда “тиклайди”.

Озғани тарих, одатда, шу соҳага доир тадқиқотларнинг инновацион йўналиши, кундалик ҳаётга оид кўплаб фактлар, шунингдек, ўтмиш воқеаларига жамият ва шахснинг муносабати ёзма манбаларда етарли ёритилмагани натижасида пайдо бўлган.

Озғани тарих ўтмиш билан “муносабатда бўлиш”нинг муҳим усули хотираларини йиғиш, сақлаш ва таҳлил қилишдан иборат. У бир қанча фанлар, жумладан, психология, педагогика ва социология билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистонлик академик Аҳмадали Аскарлов, россиялик Сигурд Шмидт, инглиз Пол Томпсон, канадалик Беннетт Эллен Маккард каби тарихчи олимларнинг таъкидлашича, **озғани тарихда гувоҳларнинг сўзлари ва суҳбатдошнинг ҳаёти давомида содир бўлган воқеалар ҳақидаги хотираларидан фойдаланилади. Яъни бу шахсий эсдаликлар, миш-мишлар ёки халқ анъаналари эмас, балки ўзига хос методологияга асосланиб, мутахассис тарихчи томонидан қайд этилган ва таҳлил қилинган озғани тарих материалидир.**



Озғани ҳикоялар ёшларнинг Ўзбекистон тарихи ҳақидаги тасаввурлари, тарихий воқеалар сабаблари ва уларнинг ишончлилигини оширади. Тарихий воқеалар ҳақидаги маълумотларни, асосан, дарслик ва фильмлардан олган ёшлар озғани тарих ёрдамида умуман қўйилмаган ва ёзма манбаларда учрамаган билимларга эга бўлиши мумкин. XX асрнинг йирик файласуфларидан бири америкалик Сидни Хук таъкидлаганидек, агар биз тарих саҳифаларини ўқишни истасак ва улардан қочмасак, тарихий воқеалар ҳақида муқобил билимлар ҳам бўлиши мумкинлигини тан олишимиз керак.

Озғани тарих Ватанимиз тарихига бошқача нуқтаи назар билан, янада чуқурроқ ва мустақил қараш имконини беради. Оилавий хотиралар, кўпни кўрган оқсоқоллар, дўстлар, маҳалладош ва, умуман, замондошлар хотиралари тарихимизга объектив муносабатни янги босқичга кўтариши, шубҳасиз.

Тарихчиларимиз ҳам ўз тадқиқотларида озғани тарих усулларидан фойдаланишмоқда. Профессор Ҳамид Зиёев тўплаган XX асрнинг 50-йиллари охири — 60-йиллари бошларида Фарғона водийсида 1916 йилги қудратли миллий озодлик кўзғолонининг омон қолган иштирокчилари хотираларини озғани тарих усулини қўллашнинг дастлабки намунаси, деб аташ мумкин. Ҳамид Зиёев суҳбатга боришдан олдин уларнинг шахсий маълумотлари (миллати, туғилган санаси)ни ўрганади, суҳбатдошнинг суратга тушириб, хотираларини ёзиб олади.

Хусусан, Марғилон шаҳрида яшовчи Умархон Юсуфали Хўжаевнинг хотираларига қараганда, у ва укалари исёни ташкил қилишда муҳим роль ўйнаган. Суҳбат чоғида паст овозда: “Биз ўз ватанимизда мустақил яшаш учун курашдик”, дейди. Бироқ олимдан бу сўзларини ёзмасликни илтимос қилади, чунки бундай гапларни ёзиш ва гапириш ўша пайтда советларга қарши фаолиятда ва “миллатчилик”да айблаш учун асос бўлиши мумкин эди.

Ҳамид Зиёев Россиянинг Сибирь ўлкасида бўлган ўзбеклар борасидаги тадқиқотида ҳам озғани тарих усулидан фойдаланади ва унинг асосида “Сибирь ўзбеклари” китобини ёзади. Сибирь ўзбеклари, табиийки, айни пайтда у ерда яшовчи бошқа халқлар билан аралашиб кетган.

Ҳамид Зиёев тўплаган оддий одамларнинг хотиралари ўша давр тарихини ўрганиш учун ноёб манба ҳисобланади. Чунки улар айтган фактлар архив ҳужжатларида мавжуд эмас. Тарихчи олим уларни пухта ва аниқ қайд этган.

Қатагон қурбонлари хотираси музейи ходимлари совет тоталитар тузуми қатагонининг омон қолган юртдошларимизнинг озғани хотираларини ҳам тўплашган. Улар орасида барча табақа вакиллари, хусусан, кам сонли миллат ва эгитилган ҳам бор бўлиб, кўпчилиги ўз ҳаёти давомида қатагон даври тўғрисида ҳеч ким билан ҳеч қачон суҳбатлашмаган. Шу боис, бу маълумотлар жуда ноёбдир.

Бундан ташқари, музейи ходимлари озғани тарих усулидан фойдаланган ҳолда, мамлакатимиз тарихидаги бошқа турли муҳим воқеалар гувоҳи бўлган таниқли маданият ва фан арбоблари, руҳонийлар иштирокида ҳам тадқиқотлар ўтказган.

Бугун Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва фронт ортида меҳнат қилган ватандошларимизнинг хотираларини тўплаш ҳам жуда муҳим. Чунки вақт ўтмиш билан бундай оғир дамларнинг гувоҳи бўлган юртдошларимиз сони йилдан йилга камайиб бораётган. Шу боис, бир қатор тарихчи олимларимиз ўзларини бугун борадаги тадқиқотларини давом эттирмоқда.

2010-2011 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтида “Замонавий муаммолар ва озғани тарих” (Озғани тарих тадқиқот усулларини Ўзбекистонда ривожлантириш) ўзбек-рус-немислик лойиҳаси бўйича илмий иш қилинди. Лойиҳада XX асрнинг 60–80-йилларида Ўзбекистондаги кундалик ҳаётни ўрганишга доир тадқиқотлар қамраб олинди. Шунингдек, унда глобаллашув ва аҳоли миграцияси тўғрисида ҳаёт тарзи кескин ўзгариб бораётган кичик шаҳарларнинг ижтимоий-маданий тарихини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бироқ озғани хотиралар бўйича тадқиқотлар фақат муайян даврлар бўйича ўтказилган, яқин тарихнинг қизқарган воқеалари эса ўзбек тадқиқотчиларининг назаридан четда қолмоқда. Айни пайтда, афсуски, тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган юртдошларимиз сони тобора камайиб бораётган.

Озғани тарих энг янги тарихини ўрганишнинг замонавий усулларидан биридир. Шунинг учун бу усул Ўзбекистон мустақиллиги даври тарихини ўрганишда ҳам муҳим ҳисобланади. Зеро, янги Ўзбекистоннинг ҳам ўз озғани тарихи бўлиши керак. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу даврда **“Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари”** деган даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз айни шу

асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борасида муҳим қадамларни қўймоқдамиз. Кенг жамоатчилик, эл-юртимиз барча ижобий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бунёдқорига айланмоқда”.

Демак, халқимизнинг тарихчилар томонидан тўплаган шу давр ҳақидаги хотиралари биздан кейинги авлодлар учун илмий манба бўлади.

Озғани тарихнинг яна бир хусусияти илмий жараёнга ёшларни жалб қилиш, уларни тарихни фаол ўрганишга ундашдан иборат.

Озғани тарих усули ёш тарихчиларда ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш кўникмаларини шакллантиради, интервью олиш орқали уларда мулоқот қилиш, бошқаларни тинглаш, ҳушмуомалалик ва сабр-тоқат каби ҳислатлар шаклланади, маълумот олишлари учун кулай муҳит яратилади.

Озғани ҳикоялар ёшларнинг Ўзбекистон тарихи ҳақидаги тасаввурлари, тарихий воқеалар сабаблари ва уларнинг ишончлилигини оширади. Тарихий воқеалар ҳақидаги маълумотларни, асосан, дарслик ва фильмлардан олган ёшлар озғани тарих ёрдамида умуман қўйилмаган ва ёзма манбаларда учрамаган билимларга эга бўлиши мумкин. XX асрнинг йирик файласуфларидан бири америкалик Сидни Хук таъкидлаганидек, агар биз тарих саҳифаларини ўқишни истасак ва улардан қочмасак, тарихий воқеалар ҳақида муқобил билимлар ҳам бўлиши мумкинлигини тан олишимиз керак.

Ўшбу инновацион усулни ўзлаштиришнинг яна бир фойдали жиҳати озғани тарихни ахборот манбаи сифатида йиғиш, ёзиш ва тартибга солиш ишларининг самардорлигидир. Бошқача қилиб айтганда, баён қилишнинг мазму ва шакллари жуда кўп бўлгани сабабли маълумот тўплашга барча ёш ва тоифадаги кишиларни жалб қилиш мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида, тарихий мероснинг узлуқсизлигини таъминлайди.

Катта авлоднинг объектив қонуният асосида ҳаётдан кетиши билан халқ тарихининг улар билан боғлиқ муайян даври ҳам мозиёга оис туттади. Улар яратган анъаналар, кундалик ҳаёт тарзи, воқеа ва хотиралар — яқин ўтмиш ҳақидаги маълумот ва манбалар ҳам, афсуски, унутилиши мумкин.

Шу боис, мамлакатимиз раҳбари илгари сурган ғоя тарих фани, яқин ўтмиш воқеалари, мустақиллиги йўлида аждодаларимиз берган йўқотиларини англаш, ёшларни тарихга ҳурмат руҳида тарбиялаш учун жуда муҳимдир. Президентимиз ватандошларимизнинг ҳаётий тажрибаси орқали яқин тарихимизни ўрганиш ва абадийлаштириш лозимлигини таъкидлади.

Модомки шундай экан, биз тарихчилар ҳозирги ва келажак авлодлар учун озғани тарихий хотираларнинг ноёб фондиди яратиш, уни доимий равишда кенгайтириб боришимиз лозим. Озғани материаллар ва ўзбек халқининг ижтимоий хотираси манбаларини яратиш, сақлаш ва ривожлантиришни амалга ошириш, ёш олимларга тарихий тадқиқотларнинг инновацион усулларини ўргатишнинг ўқув-ўқувий базаси сифатида Ўзбекистоннинг озғани тарихи бўйича давлат ёки жамоат тузилмаси (жамғарма ёки марказ) тузиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш фурсати келди, деб ўйлаймиз.

Озғани тарих маълумотлари давлат архиви ва кутубхоналаридида махсус тарих фондлари, академик нашрлар ва мақолалар, оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар ва кенг аудитория учун мўлжалланган матнлар, фильмлар ва видеофильмлар, музейлардаги тематик курғазмалардан иборат бўлиши мумкин.

Озғани тарих Ватанимиз тарихига бошқача нуқтаи назар билан, янада чуқурроқ ва мустақил қараш имконини беради. Оилавий хотиралар, кўпни кўрган оқсоқоллар, дўстлар, маҳалладош ва, умуман, замондошлар хотиралари тарихимизга объектив муносабатни янги босқичга кўтариши, шубҳасиз.

2020 йил 9 октябрь, 193-сон

Аждодлар мероси

Ҳаким йўлдошев олган суратлар.

Фахриддин Розий — УЛУҒ АЛЛОМА ВА МАШҲУР ВОИЗ

Абдувоҳид ҲОЗОВ
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими

Имом Фахриддин Розий ўз илмий фаолиятида, хусусан, фалсафий рисоаларида қадимги юнон олимлари Аристотель, Гераклит, Эпикур, Демокритдан, шунингдек, Шарқнинг машҳур мутафаккирлари Форобий ва Ибн Сино асарларидан кенг фойдаланган ва уларга шарҳлар ёзган.

Олимнинг “Мифтоҳ ал-улум”, “Ниҳоят ал-улум”, “Илм ал-ахлоқ” асарларида оламни билишнинг турли йўл ва усуллари, инсон доимо ўз билимининг олтири бориши зарурлиги, уни ҳиссиёт, ақл ва тафаккур орқали қўлга кириштириш мумкинлиги тўғрисида муҳим ғоялар олға сурилган.

Фахриддин Розий “Имомул-аимма” (Барча имомлар имоми), “Ал-Хатиб (Хитоб қилувчи)”, “ал-Мудаввий (Давватчи)”, “Зиёуддин” (Диннинг зиёси) каби унвонларга эга бўлган. “Фахриддин” (Диннинг фахри) нисбаси унга дин соҳасида қилган хизматлари учун берилган. “Розий” атамаси эса унинг асли Рай шаҳридан эканини билдиради.

Райдаги диний-сиёсий низолар сабаб ва илм-фан билан шугулланиши учун бежавотир жой зарурати, қолаверса, бир гуруҳ олимларнинг Гурганджа жамлангани ва у ердаги эътиқод эркинлиги Розийни Хоразмга етаклаб келди. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Хоразмда ўша даврларда ва ундан кейин ҳам диний мутаассиблик ва радикал ҳаракатлар кўп кузатилмаган. Гурганджа жуда маҳаллалари, мўътазиллийлар, бундан ташқари, шиалар, шофёрийлар, настур (христиан ва монотейликнинг ўйғунлашгани) эътиқодидидаги кишилар бир-бирлари билан тинч-тотув яшаган.

Ун иккинчи асрда Хоразм империяси катта сиёсий мавқега эга бўлган. Унинг иқтисодий юксалишига ирригация тизимлари ва экин майдонларининг кенгайиши, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Дашти Қипчоқ билан бўлган савдо-сотик, турмуш тараққиёти катта туртки берган. Бу давр Хоразмшоҳлар даври эди. Худди мана шу шароитда илм-фан ва маданият гуллаб-яшнади, архитектура ва ҳунармандчилик ривожланди. Бу даврда Маъмун академияси давомчиларининг бутун бир авлоди етишиб чиқди. Фахриддин Розийнинг фан оламида танилган замондошлари хоразмлик Абу Фазл Абул Қосим Баққолий Хоразмий (ваф. 1160 й.), Абу Али Ҳасан ибн Ҳорис Хоразмий (XII аср), Шайх Нажиmiddин Қубро номи билан машҳур Аҳмад ибн Умар Хивакӣ (ваф. 1221 й.), илк ўрта асрда Берунийдан кейин машҳур “Хоразм тарихи” асарини ёзган Муҳаммад ибн Арслон Аббос Хоразмий (ваф. 1172 й.) номини эсга олиш билан Хоразмда илм-фан ва маданиятга қизиқиш ниҳоятда кучли бўлгани аниқлашлади.

Фахриддин Розий XII асрнинг тахминан 70-йилларида Хоразмга келди. Хоразмга келиш сабабини Розий ўзининг “Жомъ ал-улум” асарининг муқаддимасида “Хоразмшоҳ Аллоуддин Тахаш (1172-1200)нинг фан билан шугулланиш учун тайёрлаган, дилларга ҳуш ёқувчи шароити”, деб ёзган. Хоразмга келгач, Хоразмшоҳ билан бўлган учрашуви Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” асарида мажозан бундай тасвирланган:

“Имом Фахриддин Розий билан Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ҳаммомда ошнолик шамъин ёрутгани ва Имом сўзидин Султоннинг истиғнодин илки ювгани.

Зумраи роз аҳлинега маснад нишин, Даҳр имамул — умами Фахри дин. Қўлди чу Хоразмни оромгоҳ, Қўрмағига келмади Хоразмшоҳ. Сўргўли ул гулки қадам қўймади, Илм шуқуқи муни ҳам қўймади. Шохни пушаймон қилиб эрди уёт, Лек имом айламади илтифот ...

... Имом Фахриддин Хоразмни ўзига оромгоҳ қилганида, уни қўришга Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ келмади. Илмнинг қадр-қимматини сақлаб, бу ҳам бормиди. Шох қилмишидан уялиб, пушаймон бўлди. Лекин Имом бунга парво қилмади. Орада кўп пардали гап-сўзлар ўтди. Бир кун Имом билан Шох ҳаммомда қуришиб, шох унга очилиб, бундай савол берди:

— “Эй ўз илми билан элни баҳраманд этган, қиёмат ишларидан бир хабар бер-чи. У кун қандай машаққатлар юз беради? Ҳар бир кишининг аҳволи нима бўлади?”

— “Эй қиёмат кунини билишни хоҳлаган одам. Қиёмат ҳақидаги саволга энг монанд жой шу ҳаммомдир. У ерда шох билан гадо бир хил аҳволга тушиб, шоху гадо барчаси яланғоч юради. Амалдорлар, катталар ҳаммаси сенга ўхшаб, ичкарига киргач, уларнинг бору йўғи ташқарида қолади. Илму ҳунар эгалари эса менга ўхшаб нима йиққан бўлса, ўзи билан олиб қиради. Султонликдан сенга у кун кўп фойда йўқ. Лекин менга илмим тўғрисида яхшилик кўп бўлади”.

Шундан сўнг Розий Хоразмшоҳ Тахаш томонидан ҳурмат ва шараф топади ва Хоразмда муҳим қолади. Имом Фахриддин Тахашнинг ўғли Алоуддин Муҳаммаднинг йўлбошичи ва раҳбарига айланади. У Хоразмшоҳнинг илтимосига қўра, ўша давр мусулмон оламига маълум бўлган илмлар тахланган ва соф ҳолатда ихчамлаштириб қомус тузади.

Муҳаммад Арабий ва Ибн Касир “ал-Бидоя ван-Нихоя” асарида Фахриддин Розий ҳақида бундай ёзади: “У киши юздан ортиқ асар муаллифидир. Шофёрий мазҳабида унинг асарлари муҳим аҳамият касб этади. Хоразм, Бухоро, Самарқандда яшаган. Ғазнада (1185 йилгача), Ҳиндистоннинг Панжоб ўлкасида ва Хиротда фалият юрттаган. Хиротда катта мадраса қурдириб, унда мударрислик ҳам қилган. У киши Хоразм ва кўплаб шаҳарларда мадрасалар бунёд қилади. Соф олтиндан 80 минг (баъзи манбаларда юз минг) динор пули, кўчмас мулкларини, чорваларини бўлган. Доимо камбағалларни, етим-есирларни йўқлаб, уларни молиявий таъминлаб турган. Шу билан бирга, фалсафа, эътиқод ва ақида борасидаги қарашлари ва ўткир воизлиги (икки тилда ваъз қиларди) билан машҳур эди. Маърузасига шохлар, вазирлар, амирлар ва минглаб халқ тўпланар эди. Маърузаларида исмоиллийлар ва карромиийлар қаттиқ қоралаб, уларнинг бузуқ ақидаларидан одамларни огоҳ этарди. Шу сабаб унинг шиалар, исмоиллийлар ва карромиийлардан кўплаб мухлифлари бўлган. Аллома Хиротда 1209 йили карромиийлар томонидан заҳарлаб ўлдирилган.